

«Кизил Ўзбекистон» нинг шу йил 27 июл сонида ўрток Назир Тўракуловнинг «Хамлет» таржимаси тўғрисида бир маколasi босилиб чиқди.

Мазкур макола муносабати билан куйидаги уч нарсани кўпчиликка билдиришга шошиламан.

1. Назир ака «Хамлет» таржимасини келтирган мисолларига караганда русча таржималарининг тизилмалиси (назмлиси) билан солиштирган. Холбуки мен таржима килган нусха сочмали (насрли) бўлиб инкилобдан бурун босилган. Мен таржимага киришганимдан бурун у нусхани инглиз адабиёти билгичларидан ўрток Лан инглизчаси билан солиштириб чикиб, кўп жойларини мумкин кадар аслига якинлаштириб берган. Мазкур нусха хали ҳам ўрток Ланнинг кутубхонасида сакланади. Мен, ана ўша нусхадан бўлган таржима учунгина жавобгарман.

Таржима билан таржима орасида, айникса тизмали билан сочмали орасида катта фарк бўлади.

2. «Хамлет»дай бир асарнинг таржимасида бир неча хато кетмасдан иложи йўқ. Ўша хатоларни хайрихохлик асосида кўрсатувчиларга ташаккуримни билдириб, келажакда тузатишга ваъда бераман. Бир нечта тўғри кўрсатилган таржима хатолари Назир ака маколasiда ҳам бор; бунинг учун у кишига ҳам ташаккур.

3. Ўрток Лан кўлидаги нусхани олдириб мен килгон таржиманинг оригиналига солиштириб чикиб, натижасини матбуотда зўлон килиш керак. Бунинг учун яхши-яхши таржимонлардан иборат бир кўмисия тузилса яхши бўларди. Кўмисия тузиш вазифасини мен Ўзбекистон Ёзувчилари союзининг республика кўмитасидан сўрар эдим.

Бошкармага хат. — Мазкур макола Н. Тўракуловнинг «Хамлет»га тухмат» («Кизил Ўзбекистон», 1936, 27 июль) номли чиқишига жавоб тариқасида ёзилган ва «Кизил Ўзбекистон»нинг шу йил 28 июль сонида эълон қилинган.

Назир Тўракулов (1892—1939) — йирик давлат арбоби, журналист, тилшунос олим. 20—30-йилларда вақтли матбуотда катор маколалари, турли таҳаллуслар билан имзоланган шеърлари эълон қилинган. Катагон қурбонларидан.